



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 24 октябрь, № 210 (4363)

Чоршанба

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддади кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудда энг кам: иш ҳақи — ойига 18630 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 36900 сўм;

ягона тариф сэткиси бўйича бошлангич (нулинчи) разряд — ойига 18630 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 36900 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 22350 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўйиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшга бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалиқ оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазириликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирият Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри

хоқимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидига қорхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пайсантириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 16 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ўшбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчаларни тўғрисида Вазирият Мақамасига тақрирлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 23 октябрь



## СПОРТИМИЗНИНГ БЎЛАЖАК ЮЛДУЗЛАРИ

Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганига беш йил тўлди.

Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан миллат саломатлигини тиклаш, минглаб ёшларимизни жисмоний тарбия ва спортга улуғсиз жалб этиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Республикамининг турли бурчларида, чекка-чекка қишлоқларда бири-биридан чиройли, замонавий

спорт мажмуалари бунёд этилди. Иқтидорли ёшлар ҳар жиҳатдан рағбатлантирилиб борилаёпти.

Албатта, оммавийликка эришилган жойда чемпионлар ўз-ўзидан етишиб чиқаверади. Бунга жамғарма томонидан қўрилган спорт мажмуаларида шуғулланаётган ёшлар орасидан кўплаб чемпион-

лар етишиб чиққани ҳам мисол бўла олади.

Сиз суратда кўриб турган мана бу қизлар орасидан эртага юртимиз шарафини халқаро майдонда муносиб ҳимоя қиладиган спортчилар етишиб чиқса, не ажаб.

М. АМИН (Ўза) олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН — ҲАҚҚОНИЙ РАВИШДАГИ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ ВА НУФУЗНИНГ СОҲИБИ

Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг 16 йиллиги мобайнида эришган ютуқларига хорижий давлатларнинг сиёсий, ишбилармон, таҳлил ва жамоатчилик доиралари вакиллари юқори баҳо беришмоқда. Россия геосиёсат муаммолари академиясининг президенти, таъқиқ эксперт Леонид Ивашов бу ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади:

«Ўзбекистон ўзининг янги даврида ҳаётини фаолиятнинг барча муҳим соҳаларида кўпгина таҳдидларга қарама-дара, замонавий дунёда ўз ўрнини белгилаб олгани, миллий хавфсизлигини таъминлагани, истиқболли ижтимоий-иқтисодий йўналишни шакллантиргани, маданий ва цивилизация тараққиёти йўналиш-

ларини аниқлаб олгани унинг оғир вазиятдан шараф билан қичиб олишини таъминлади.

Собиқ шўрлар давридан кейин мамлакат тараққиёт йўлини танлаш муаммосининг ўткирлиги Ўзбекистоннинг ва у жойлашган минтақанинг алоҳида геосиёсий ўрнини белги-

лади ва белгилашда давом этмоқда. Марказий Осиё улкан табиий-иқтисодий ва ресурслар салоҳияти мавжуд, жаҳон йўлларининг муҳим қорраҳасида жойлашган минтақадир. Ўзининг ўсиб бораётган геосиёсий ва геостратегик аҳамияти туяфайли минтақа жаҳон

ҳамжамиятининг алоҳида эътиборини жалб этмоқда», деб ҳисоблайди Л.Ивашов.

— Ўз сиёсий йўналиши мустақил, оқилона ва миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши Ўзбекистоннинг халқаро эътирофи ва нуфузини таъминлади, — дейди россиялик таъқиқ эксперт. — Танланган ички сиёсий тараққиётнинг асосий йўналиши замирида миллий кадрлар, урф-одат ва аъ-

(Давоми 2-бетда).

### Дунё нигоҳи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирият Мақамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида оилавий зиддиятларнинг олдини олиш, никоҳи бекор бўлган ва боқувчисини йўқотган оилаларда тарбияланаётган болаларнинг таълим-тарбияси, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишларга оид масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишнинг мамлакатимиз Бош прокурори, мазкур комиссия раиси Р. Қодиров бошқарди.

## КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, оила, оналик ва болалиқни ҳимоялаш, мустақил ҳаёт оstonасига илк қадам қўйган йиғин-қизларга, шунингдек, кам таъминланган ва сирфаразд оилаларга ижтимоий-иқтисодий кўмак кўрсатиш борасида кенг қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилади ва бу ўзининг самараларини бермоқда.

2006 йилда республикамиз бўйича 208 минг 423 оила, жорий йилнинг биринчи ярмида 94 минг 718 оила ташкил топган. Кам таъминланган ва кўп болали оила фарзандларининг ёшга соғломлаштириш масалаларида ҳам оилаларга ушбу 214 миллион сўмлик муҳимлик ёрдами кўрсатилган. Республика «Маҳалла» жамғармаси томонидан ҳоимлар маблағи ҳисобига кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бир минг 424 бош қорамол ҳада қилинган. Шунингдек, соғлом оилани шакллантириш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида аҳолига тушултириш мақсадида 21 минг 450 дан зиёд урғувчи ўтказилгани қайд этилди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича Тошкент шаҳар комиссияси ташаббуси билан кам таъминланган, кўп болали ва боқувчисини йўқотган мингдан зиёд оила фарзандларининг хатна тўйлари ўтказилиб, 152 нафар кам таъминланган оила фарзандларига бепул компьютер ўргатиш курслари ташкил этилган.

Самарқанд вилоятида яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари

бўйича мунтазам равишда давра суҳбатлари ўтказилиб келинаётгани, бир минг 850 нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оиллага муруват ёрдамлари, 7 минг 341 нафар ногирон болага 42,2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани таъкидланди.

Бош прокуратура матбуот хизматида маълум қилинишича, йиғилишда никоҳи бекор бўлган ва боқувчисини йўқотган оилаларда тарбияланаётган болалар муаммоларига бағишланган семинар-тренинглари мунтазам ўтказиб бориш, никоҳнинг қонуний расмийлаштирилишига эришиш, бу борада ҳокимликлар, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кўмиталари, ФХД бўлимларининг масъуллигини ошириш, бундай оилаларга мақсадли ижтимоий ҳимояни ташкил этиш, оилалар мустақамлигини таъминлашда маҳаллалардаги яраштириш комиссиялари фаолиятини янада кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси А. Аҳмедовнинг оилавий зиддиятларнинг олдини олиш, никоҳи бекор бўлган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.


Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С. Иномов ва Р. Қосимов иштирок этди.

Беҳзод НОРБОВ,  
Ўза мухбири.



## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар,  
янгиликлар,  
хабарлар



## САМАРҚАНД ЛИФТЛАРИ — ЭКСПОРТГА

Самарқанд «Лифтсозлик заводи» очик турдаги акциядорлик жамияти Россиянинг «Перевест инвест» акциядорлик жамияти билан ҳамкорлик қила бошлади.

Натижада, яқинда бу юрт ишбилармонлари томонидан заводга 1 миллион 430 минг АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция киритилди. Режага асосан, йил охирига қадар лифтсозлар ҳисобига яна 1 миллион 600 минг АҚШ доллари келиб тушади. Бу эса ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мустаҳкам замин бўлаётди.

Айни пайтда бу ерда йўловчи ҳамда юк лифтлари тайёрланапти. Қувонарлиси, Россияда мазкур маҳсулотларга бўлган талаб тобора ортиб бораётди.

Абдурусул САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНМОҚДА

Жиззахда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Қамолот» ЕИХ ташаббуси билан ағънавий тарзда ташкиллаштирилиб келинаётган «Янги авлод — 2007» болалар иқдидёти фестивалининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг иқтидорли ёшлари ҳамда иқдидёти жамоалари фестивалнинг олти йўналиши бўйича ўз салоҳиятларини намойиш этдилар. Ўзбекистон Давлат консерваторяси, «Қамолот» ЕИХ Марказий Кенгаши, бир қатор иқдидёти ташкилотлар вакиллари билан ташкил топган ҳайат аъзолари сирдарёлик фортевяночлар, эстрада икромчиларнинг маҳоратларини юқори баҳолашди.

Вилоятнинг «Ширинтой», «Ғуна», «Нихол» дасталари ҳам миллий рақс йўналиши бўйича голиблар сифидан ўрин олди. Тасвирий санъат, миллий чолғучлик ва шеъринг йўналишларида хизмат қилган иқдидорларок экани қайд этилди. Энди голиблар танловнинг республика босқичида қатнашадилар.

Баҳриддин САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Маҳаллада янги иш ўринлари

Хусусий тадбиркор Неъматжон Муродов бунёд этган савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш маркази Наманган шаҳридаги «Шарқ тонги» маҳалласи аҳолисининг қирқ нафарини ижтимоий фойдаланиш меҳнатга жалб этиш имконини яратди. Яқинда ишга туширилган 200 ўринли умумий овқатланиш шохобчасида эса йиғирмага яқин маҳалла ёшлари иш билан таъминланди.

Қудратилло НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Кутубхона моддий базаси мустақамланди

Хоразм вилояти ахборот кутубхонаси 10 та янги компьютер, рангли принтер ва бошқа воситалар билан бойиди. Марказ интернет тармоғига уланган. Эндиликда у ўзининг веб сайтини очигина таралдув кўрмоқда. Кутубхона амалиётига электрон кутубхона, интернет технологияси таъбиқ этилаётгани ки-тобхона сонининг янада орттишига хизмат қилади.

Овбек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## БИР ПАКАМ ШАРҲИ

Шу йилнинг  
9 оyi мобайнида  
республикамизда

490 мингга яқин янги  
иш ўрни яратилди.

Йирик корхоналарда қасаначиликни йўлга қўйиш, хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, шахсий ёрдамчи ва фермер хўжалиқларида қорвачиликни ривожлантиришга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш туяфайли шундай ижобий натижа қўлга киритилди.

# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ НОЁБ МЕХАНИЗМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

га қатор икки томонлама битимлар ҳам имзолангани маъноли. Қўрақалпоғистон Республикаси Президентининг қўрақалпоғистонлик ҳамкорлик жадал ривожланиётганини кўрсатди. Жумладан, мазкур саммит асосида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Хитой Давлат банки ўртасида 20 миллион долларлик кредит битими имзоланди.

ШХТнинг 2007 йил августда бўлиб ўтган Бишкек саммитида ИИБлармонлар кенгаши билан Банклараро бирлашнинг ҳамкорлиги расмийлаштирилди. Ушбу саммит доирасида Банклараро бирлашма кенгашининг мажлиси ўтказилиб, бирлашмага аъзо банкларнинг лойиҳаларини саралаш, экспертиза қилиш ва амалга оширишдаги ҳамкорлиги регламенти қабул қилинди. Ушбу ҳужжат ШХТ мамлакатлари ўртасидаги сармоявий ҳамкорликни янада фаоллаштиришни мўҳим механизми сифатида эътироф этилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини нечоғли жадал ривожланиётганига Ўзбекистон билан ШХТга аъзо бошқа давлатлар ўртасидаги тобора айирбошлаш ҳамжиҳатликларининг муттасил ўсаётгани яхши мисол бўла олади. 2001 йилда бу борадаги умумий қўрсаткич 1 миллиард 781,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2006 йилда 4 миллиард 541,8 миллион долларга етди. Жорий йилнинг январь-август ойларида доир қўрсаткич салкам 4,2 миллиард долларни ташкил этди. Сармоявий ҳамкорлик борасида 2004 йили Тошкентда ўтган саммитда Хитой томони ШХТ мамлакатлари учун 900 миллион долларлик имтиёзли кредит ажратганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон бу йўналишда 19 та лойиҳа ишлаб чиққан ва айни пайтда уларнинг бештасини молиялаштириш юзасидан келишувга эришган. Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 196,6 миллион долларни ташкил этади.

ШХТ мамлакатларининг иқтисодий имкониятлари ҳақида гап очилганида, уларнинг ички давлатлар билан ҳамкорлик қилмай туриб ҳам барча талаб ва эhtiбжларни

қондира олиши аён бўлади. Масалан, Ўзбекистон, Россия ва Қозғистон энергия манбаларининг йирик экспортчилари, Хитой эса йирик импортчидир. Транспорт коммуникацияларнинг тармоқлари ҳам аввало ташкилотга аъзо давлатларни бир-бирига боғлайди. Ишлаб чиқариш борасида машинасозлик ва самолётсозликдан юқори технологияларга аъзо бўлган кўплаб соҳалар ўзлаштирилган ва юксак даражада ривожланганини таъкидлаш ўринлидир. ШХТ мамлакатлари қишлоқ, ўрмон ва сув ҳўжалиги борасида ҳам бир-бири билан қиёндан ҳамкорлик қилади. Хўсусан, Ўзбекистонда етиштирилган полиз маҳсулотлари, мевалар экспортнинг асосий қисми ташкилотга аъзо давлатлар хўсасига тўғри келади. ШХТ доирасида тоғ-кон ва металлургия санаяти маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари савдосининг кўлами ҳам катта.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлар киоиноти н ўрганиш, ушбу энергиясидан фойдаланиш каби соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ШХТ давлатларининг иқтисодий имкониятлари фақат уларнинг салоҳияти билан чекланиб қолмаганини эслатиб ўтиш жоиз. Ташкилот хузурида Мугулистон, Эрон, Хиндистон ва Покистонга кузатувчи мақоми берилган. Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайtirилган мажлисларида ушбу мамлакатлар раҳбарлари катнашади. Яъни, ШХТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда кузатувчи давлатларнинг ҳам муайян иштироки бор. Демак, унинг имкониятлари ҳам шунга яраша — жуда кен.

Фақат иқтисодий ҳамкорлик нуктаи назардан қараганда ҳам ШХТнинг уқсан салоҳиятга эга эканлиги аён бўлади. Аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳўрмат ва ишончни, алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига қарашлар муштарак эканлигини ҳисобга олиб, ШХТни савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ноёб механизми, деб аташ мўмкин. Бу механизм тобора тақомиллашиб бормоқда.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

# ЎЗБЕКИСТОН — ҲАҚҚОНЙ РАВИШДАГИ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ ВА НУФУЗНИНГ СОҲИБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

аналарни асраб-авайлаш ва янада мустақамлаш, уларга ҳўрмат билан муносабатда бўлиш, барқарор ривожланаётган замонавий давлат қуриш бўйича ўзини оқлаган жаҳон тақрибасини чуқур ўрганиш ва қабул қилиш таъминоти ётади.

Л. Ивашов қайд этганидек, «замонавий дунёнинг геосийсий жараёнлари давлатлар ва халқлар учун ўзининг цивилизациявий ўзига ҳосликларини белгилаш, стратегик иттифоқчилар излаш, минтақавий ва халқаро тузилмалар тизимида ўз аҳамиятини ва ўрнини топиш заруратини тақозо этмоқда. Жаҳондаги вазият шундайки, бугун дунёнинг барча мамлакатлари ҳам ўзининг изчил тараққиётини, айниқса, ўз ҳавфсизлигини яқин ҳафта таъминлашга эришишни мушкулдир. Унинг таъкидлашича, «Замонавий Ўзбекистон қуролли қўлаери мамлакат барқарорлиги ва ҳавфсизлигини таъминлашининг қафолати сифатида юзага келган. Ишончли билим ва кўникмага эгалиги билан ажрალიб турадиган, яхши тайёргарликни ўтган миллий кадрларга эга, замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғлар билан жиҳозланган армия ганимининг таъжовубкорона интилишларига қарши тура оладиган қудратли воситага айланади.

Бирок ҳавфсизликка таҳдид ва хатарлар кўлами жуда кенг ва хилма-хилдирки, улар янада кенгайиб бормоқда. Шу боис, замонавий ҳавфсизликнинг маъжувий тизимини шакллантириш жуда мўҳим ва объектив заруратдир. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақаси ҳавфсизлик тизимини яратиш ҳамда фаолият юритишда ишторик этиш борасидаги қарори пухта ўйланган ва ягона тўғри қадам».

Россиялик таҳлилчи бу стратегия Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов фаолияти билан бе-

восита боғлиқлигига аминдир. Зеро, «Ўзбекистон ҳавфсизлигини таъминлаш, қуролли қўлаери қурилиши, республиканин МДХ ва қатор халқаро ташкилотлар доирасидаги фаол иштироки бундан далоят беради».

«2007 йилнинг 16 августидан ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг кенгайtirилган таркибда бўлиб ўтган йиғилишида Ислон Каримовнинг кўп томонлама ҳамкорлик асосида мўҳим халқаро ва минтақавий муаммоларни биргаликда ҳал қилишга дахлдор сўзалари ўз аҳамиятини асло йўқотмайди. Унинг нутқи натижада Марказий Осиё, балки Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятига дахлдор муаммоларга геосийсий тизимли ёндашувнинг мўҳим эканини ўзида ифода этди. Ўзбекистон Президентини минтақа учун ҳавф-хатар ва таҳдиднинг асосий манбаи — Афғонистонга муносабатда ҳам мўҳим геосийсий бурлиш ясади».

«Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлини янада ҳарбийлаштириш ва куч ишлатиш доирасини кенгайtirилган қудирмаслик керак, балки масалани қуролсизлантириш ва дунё ҳамжамиятининг кўмаги билан, биринчи навбатда, ижтимоий йўналтирилган, уқтар ижтимоий-сийсий муаммоларни ечадиган ва мамлакат аҳолисини қўллаб-қувватлайдиган лойиҳаларни рўбуга чиқариш орқали ҳал этмоқ керак», деб таъкидлади И. Каримов. Эҳтимол, жафокаш мамлакат тарихида биринчи мартаба эътибор ҳарбий кўчга эмас, балки ривожланишининг гуманитар киррасига қаратилгандир.

Бизнинг фикримизча, алоҳида олинган бир мамлакат, ҳоқ Марказий Осиё минтақаси, Евроосийё ва умуман, бутунжаҳон муаммолари хўсусидан бўлисин, сазй-ҳаракатларнинг бундай алгоритми тўғридир, дея ўз хўсасини билдирди Л. Ивашов.

Музаффор ЗОХИДОВ,  
«Ҳақон» АА.

# 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари ва котибларининг амалий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Таъбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, округ сайлов комиссияларининг раислари ва котиблари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишга оид қўнун ҳўжжатларини тармоқлари ҳам аввало ташкилотга аъзо давлатларни бир-бирига боғлайди. Ишлаб чиқариш борасида машинасозлик ва самолётсозликдан юқори технологияларга аъзо бўлган кўплаб соҳалар ўзлаштирилган ва юксак даражада ривожланганини таъкидлаш ўринлидир. ШХТ мамлакатлари қишлоқ, ўрмон ва сув ҳўжалиги борасида ҳам бир-бири билан қиёндан ҳамкорлик қилади. Хўсусан, Ўзбекистонда етиштирилган полиз маҳсулотлари, мевалар экспортнинг асосий қисми ташкилотга аъзо давлатлар хўсасига тўғри келади. ШХТ доирасида тоғ-кон ва металлургия санаяти маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари савдосининг кўлами ҳам катта.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлар киоиноти н ўрганиш, ушбу энергиясидан фойдаланиш каби соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ШХТ давлатларининг иқтисодий имкониятлари фақат уларнинг салоҳияти билан чекланиб қолмаганини эслатиб ўтиш жоиз. Ташкилот хузурида Мугулистон, Эрон, Хиндистон ва Покистонга кузатувчи мақоми берилган. Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайtirилган мажлисларида ушбу мамлакатлар раҳбарлари катнашади. Яъни, ШХТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда кузатувчи давлатларнинг ҳам муайян иштироки бор. Демак, унинг имкониятлари ҳам шунга яраша — жуда кен.

Фақат иқтисодий ҳамкорлик нуктаи назардан қараганда ҳам ШХТнинг уқсан салоҳиятга эга эканлиги аён бўлади. Аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳўрмат ва ишончни, алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига қарашлар муштарак эканлигини ҳисобга олиб, ШХТни савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ноёб механизми, деб аташ мўмкин. Бу механизм тобора тақомиллашиб бормоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлар киоиноти н ўрганиш, ушбу энергиясидан фойдаланиш каби соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ШХТ давлатларининг иқтисодий имкониятлари фақат уларнинг салоҳияти билан чекланиб қолмаганини эслатиб ўтиш жоиз. Ташкилот хузурида Мугулистон, Эрон, Хиндистон ва Покистонга кузатувчи мақоми берилган. Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайtirилган мажлисларида ушбу мамлакатлар раҳбарлари катнашади. Яъни, ШХТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда кузатувчи давлатларнинг ҳам муайян иштироки бор. Демак, унинг имкониятлари ҳам шунга яраша — жуда кен.

Фақат иқтисодий ҳамкорлик нуктаи назардан қараганда ҳам ШХТнинг уқсан салоҳиятга эга эканлиги аён бўлади. Аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳўрмат ва ишончни, алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига қарашлар муштарак эканлигини ҳисобга олиб, ШХТни савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ноёб механизми, деб аташ мўмкин. Бу механизм тобора тақомиллашиб бормоқда.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

# САМАНДАРАКЛИК ИЛФОР ФЕРМЕР

Самандарак — Богдод тумани қишлоқларида бири. Ушбу қишлоқлик илфор фермер Абдумотал Мадаминов етакчилиги қилаётган фермер ҳўжалиги ўтган йилни 30 миллион сўм соф фойда билан ачулган эди. Бу йил унданда кўпроқни мўлжаллаб турилибди. Чўнки галладан мўл ҳосил кўтарилди. 54 гектардаги пахтадан 173 тонна ўрғулик пахта сотилди. Қўрақалпоғистон даромадининг асосий қисми ҳўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлигини оширишга йўналтирилган. Бу ишининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилаётир.

Айни пайтда «Абдумотал Мадаминов» фермер ҳўжалиги аъзолари 65 гектар майдонда кузги дон экили ишларини авж олдиришган.

СУРАТДА: Фермер Абдумотал Мадаминов (ўртада), фермер ҳўжалиги аъзолари — Файрат Қимсанов, Даврон Раҳматов ва механизатор Мирзакарим Ҳасанов.

Мўқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Публицистика

Ўтган давр мубойида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомий амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуғурга етказиш мақсадада мувофиқ.

Ислон КАРИМОВ

Бугуннинг ноёб ютуғи одамларнинг фикр-лаш тарзи, дунёқарашидига ўзгартирилди. Биз энди 1991 йилдаги одамлар эмасми. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида «Энг мўҳими, аҳолининг онгу тафаккурида тўб ўзгартирилди» деган сўз билан айтадиган, одамларнинг ўзи ўзгарди, деган ўта мўҳим фикр янгради. Зеро, истисно йўлимизнинг бошида, «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» дастурий асарида «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг мўҳим вазифасидир», деб белгилаган эди.

Энг қувончлиси, ўзбекна гўзал миллий фазилатларимиз — ҳамжихатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, саховат туйғули янада жонланди. Тобора миллийлашайтган бундай маънавий мўҳит одамлар руҳиятига, кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўртбосимиз таъбири билан айтганда, «Албатта, амалга оширган барча буюк ишларимиз, эришган ютуқларимиз — ўзинимиз, уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайдди. Лекин келгусида бундан ҳам юксак марраларни кўлга киритишга, бугун дунё, авваламбор, тарқийқ топган давлатлардан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаётга эришиш учун доимо олдинга интилиб яшашимиз керак». Демак, зиммимизда кўлга киритилган бу бебаҳо маънавий ўзгаришни мустаҳкамлаш, ривожлантириш, юксалтириш, айни пайтда — ҳимоялаш вазифаси турибди.

Маънавий ҳимоя

Ўртбосимиз маърузасида маънавий-маърифий ислохотлар давлат сийосатининг устувор йўналиши бўлиб қолиши яна бир бор таъкидланди. Огоҳлик ва яна огоҳлик зарур: «Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоним

ўз фаолиятини амалга оширишга киришди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, округ сайлов комиссиялари таркиби миллий сайлов қўнунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тавсиясига биноан жамоатчиликнинг обрўли вакиллари, партиясиизлар ҳисобидан шакллантирилди. Бу уларнинг иш фаолиятида ҳолисликни таъминлашга хизмат қилади.

Жаҳон андозаларига мос равишда ўтади. Бунда, албатта, оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши, сайлов қандай ўтаётгани билан боғлиқ воқеликни ҳолис ва ҳозиржавоблик билан еритиб бориши тақозо этилади. Бу борада уларга Марказий сайлов комиссияси катта ёрдам беради.

Семинар иштирокчилари Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида бўлиб, бу ерда журналистлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Марказнинг конференц-зали ва оналари замонавий мебель, компьютер техникаси, телефон, факс ва нусха кўчириш аппаратлари билан жиҳозланган. Бу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари тегишли маълумотларни зудлик билан олиши, шунингдек, тайёрлаш ва Интернет тармоғи орқали узатиши учун зарур шарт-шароит мўҳий этилган.

Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази раҳбари Б. Алимов йиғилганларга сайлов кампаниясининг очилки, ошқоралик ҳамда транспарантликни таъминлаш, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ишлаш, округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари фаолиятини ташкил этиш каби масалалар юзасидан амалий тавсия ва тушунчалар берди. Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёрланган қўлланмалар тарқатилди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси ҳудудидаги сайлов участкаларидан бирида бўлиб, сайловчилар учун яратилган қўлайликлар билан танишдилар.

Фулон МИРЗАЕВ,  
ЎЗА мўҳбири.

Мўқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Публицистика

Ўтган давр мубойида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомий амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуғурга етказиш мақсадада мувофиқ.

Ислон КАРИМОВ

Бугуннинг ноёб ютуғи одамларнинг фикр-лаш тарзи, дунёқарашидига ўзгартирилди. Биз энди 1991 йилдаги одамлар эмасми. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида «Энг мўҳими, аҳолининг онгу тафаккурида тўб ўзгартирилди» деган сўз билан айтадиган, одамларнинг ўзи ўзгарди, деган ўта мўҳим фикр янгради. Зеро, истисно йўлимизнинг бошида, «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» дастурий асарида «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг мўҳим вазифасидир», деб белгилаган эди.

Энг қувончлиси, ўзбекна гўзал миллий фазилатларимиз — ҳамжихатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, саховат туйғули янада жонланди. Тобора миллийлашайтган бундай маънавий мўҳит одамлар руҳиятига, кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўртбосимиз таъбири билан айтганда, «Албатта, амалга оширган барча буюк ишларимиз, эришган ютуқларимиз — ўзинимиз, уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайдди. Лекин келгусида бундан ҳам юксак марраларни кўлга киритишга, бугун дунё, авваламбор, тарқийқ топган давлатлардан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаётга эришиш учун доимо олдинга интилиб яшашимиз керак». Демак, зиммимизда кўлга киритилган бу бебаҳо маънавий ўзгаришни мустаҳкамлаш, ривожлантириш, юксалтириш, айни пайтда — ҳимоялаш вазифаси турибди.

Маънавий ҳимоя

Ўртбосимиз маърузасида маънавий-маърифий ислохотлар давлат сийосатининг устувор йўналиши бўлиб қолиши яна бир бор таъкидланди. Огоҳлик ва яна огоҳлик зарур: «Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоним

ҳам) йўналтирилган. Натичада, бошқа халқларга ўзларига ёт, гегемонтура давлатлар маданияти ҳақидаги бўялган маълумотлар «едирилмоқда» ҳар кун. Мақсад — мустақил давлатлар фуқаролари ўз мамлакатларидаги ислохотларга қизиқмасин, Ватанида кўлга киритилган ютуқларини билмасин. «Маънавий эмигрант» бўлсин. Яъни, гегемон давлат фуқароларига ўқшасин, уларнинг ҳаётини озу қилиб яшасин.

Улар шу йўл билан бир ўзбекини экстремиста, ҳеч бўлмаса, бошқа бир давлатнинг инфомацион фуқаросига, шайдосига айлантириши ният қилишади. Бу одам ўзи Ватанда-ю, ҳаёли бошқа давлатда, ўз мамлакатидан кечётган муаммолар, янгиликлардан бе-ҳабар қораверади. Ватан, миллат келажакига қўлайлар, муносабатсизлар қўлавереради.

Юртбошимиз маърузаси уни тинглаган, ўқган қилмишларда ватанпарварлик туйғуларини жўш урдириди. Чўнки унда ҳар бир вилоят, туман, шаҳар, маҳалла, қишлоқ, оила, кишининг манфаатлари, орзу-умидлари мўжасам эди. Бу — ўзгарган халқ ўз раҳнамоси бошчилигида амалга оширган тарихий ишлар натижаларининг тўра таҳлили эди.

Шу маънода, 1991-2007 йиллар — мустақил Ўзбекистон тараққиётининг энг қийин ва энг шонли даври бўлиб қолади, дейиш мўмкин. Чўнки мустақил давлатнинг тикланиши учун энг зарур ва энг қийин ишлар муваффақиятга адо этилди. Юрт тинчилиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги намойишини кўларимиз қўриб, қўлоқларимиз эшитиб, тасдиқлаб бормоқда.

Президентимиз маърузасини ағёрлар ҳам тинглашди. Уқинди. Улар ким бўлди? Улар — «... узоқни қўлайдиган, аниқ мақсадларга эга бўлган турли хўруж ва ғаразли интилишлар, ҳоржий марказлар томонидан катта куч ва маблағ сарфланаётган ҳаракатлар».

Хомтама бўлманг, жаноблар!

Ҳа. Бизга қарши қаратилган таҳдидларни тайёрловчи, ахборот хўружларини ёзувчи «қаламхак ақуларлар», матнларни ишлатувчи ношир, режиссёр, мутахассислар, социал теҳнололарлар маош олиб ишловчи одамлар бор. Улар ҳам ҳар кун эрталаб уйғонишади. Ишга қилишади. Бўзучиликнинг янги-янги усулларини ўйлаб топиб, қўлашади.

Илгарии бирор мамлакат бойликларини

# САРҲИСОБ ВА РЕМАКАЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари йиғилишида Президент Ислон Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралдаги мажлисида белгилаб берилган мўҳим вазифалар ижроси ҳақида 2007 йилнинг тўққиз ойи давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари атрофида муҳокама қилинди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев бошқарди.

Қорақалпоғистонда Президентимиз томонидан белгилаб берилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бош вазифаларини баҳарий юзасидан комплекс дастур ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Ўтган вақт мубойида мазкур дастур асосида иқтисодий қўрсаткичларнинг ўсиши таъминланди.

Оролбўйи минтақасида қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Бу аъзо ўз самарасини бераётир. Жорий йилда галла, пахта ва пилла етиштириш бўйича шартнома мажбурини қилиб олтириш билан удаланди. Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Қашқадарь вилоятлари пахтақорларига йўлланган табрида бу улкан галабада деҳқонларимизнинг кечаникча, қўндузини-қўндуз демасдан қўлган самарали меҳнати, табиат қийинчиликларини мардонга энгиб қўрсатган фидойилик фазилатлари мўжасам экани алоҳида таъкидланди. Ана шундай фидокорона меҳнат самараси ўлароқ, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,8 фоизни ташкил этди.

Хўсбот даврида Қорақалпоғистонда ялти ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 12,2 фоизга. Иқтисодийнинг етакчи тармоқлари, хўсусан, санаят моллари ишлаб чиқариш ҳажми 22,9 фоиз, чакана савдо айланмаси 10 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 35 фоиз ўсди.

Иқтисодийнинг модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда қиймати 4,8 миллиард сўмга тенг инвестиция лойиҳалари амалга оширилляпти. Айни пайтда қадар бир қанча қорхоналар теҳник ва теҳнололж жиҳатдан қайта ҳўрланди. Бу экспорт маҳсулотлари сифатини яқшилатиш, халқаро талаблар даражасига етказишга мўҳим омили бўлмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини эркинлаштириш натижасида хўсусий секторнинг ялти ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 49,3 фоизни ташкил этди. Бу 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 фоиз кўп демак-лар.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва реал даромадларини ошириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилляпти. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида йил бошидан бери аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадларига 22 миллиард сўм йўналтирилди.

Йўналишда таълим соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, а



«САЛОМАТЛИК»  
ПОЕЗДИ  
ХОРАЗМДА

«Экосан» халқаро хайрия жамғармасининг навбатдаги «Саломатлик» поезди Хоразм вилоятига етиб келди.

Болалар ва катталар учун кийим-кечаклар, спорт асбоблари, ногиронлар аравачалари, уй-рўзгор буюмлари ва санитария-гигиена воситаларидан иборат 35 млн. сўмлик инсонпарварлик юклари махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинди. Энди улар ўз эгалари — кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, шунингдек, ижтимоий соҳа муассасаларига топширилади.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ушбу акция «Экосан»нинг йил бошидан буюн вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасига юборилган инсонпарварлик юкнинг ўн олтинчиси бўлди. Уни ташкил этишда ҳомийлар маблағлари, «Экология ва саломатлик қўллари» доирасида ўтказилган экологик ҳашардан тушган маблағлар сарфланди.

М. ХОЛМАТОВА.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Хукуматимиз томонидан юритилаётган кучли ижтимоий сиёсат туфайли мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини ҳимоя қилишнинг энг самарали механизми яратилди. Жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номлангани эса, бу борадаги ишларни янада кучайтириб юборди. Хусусан, Самарқанд вилоятида ҳам аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, унинг бандлик даражасини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда вилоят ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, унинг қўйи бўғинлари фаол иштирок этмоқда.

ИШЛАГАН  
ЕРНИ ЯШНАТАР

Ўтган тўққиз ой сарҳисоб қилинганда, шу давр давомида бандликка қўмаклашиш марказларига маслаҳат сўраб 41904 нафар ишсиз киши мурожаат қилган. Уларнинг 91,1 фоизи, яъни 38174 нафари халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига ишга жойлаштирилди. Уларига маъқул иш топа олмаганларнинг асосий қисми ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, яна бир гуруҳи эса, касб-ҳунар ўрганишга йўналтирилди. Қолганлари «ишсиз» деб эътироф қилиниб, ишсизлик нафақаси тайинланди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари ва хукуматимизнинг тегишли фармон ва қарорлари ижросини, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва ракобатчи қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида 2007 йилнинг ўтган даврида 44425 та

янги иш ўрни очилди. Бунга янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжудларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига эришилди. Таъкидлаш керакики, аҳолини ишга жалб этишда вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, халқ таълими, ўрта махсус касб таълими бошқармалари ҳамда «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари ҳамкорлигида ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларининг ҳиссаси катта бўлаётди. Масалан, бугунга қадар 50 марта шундай ярмаркалар ташкил этилди. Уларда 1,5 мингга яқин корхона ҳамда ташкилотлар салкам саккиз мингта бўш ва қота иш ўрни билан иштирок этди. Пироваддада шунча кишига ишга жойлашиш учун йўланма берилди. Бандликни таъминлашда Президентимизнинг 2006 йил

5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этапти. Мисол учун, 265 дан ортиқ саноат корхоналарида касаначилик асосида қарий етти мингта иш ўрни ташкил этилгани, ушбу касаначилар томонидан йил бошидан буюн ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 1 млрд. 677,8 млн. сўмликдан ошиб кетгани шундан далолат беради. Энг муҳими, касаначилар билан шартнома тўзган йирик саноат корхоналарида белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш ҳисобига 317,4 млн. сўм маблағ тежаб қолинди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқароларга му-

носиб меҳнат шароитини яратиб бериш масаласи ҳам доимий эътиборда турибди. Вилоятимиз мисолида айтганда, шу йилнинг тўққиз ойи ичида бу тоифага қирувчи 5493 нафар киши ишга жалб этилди. Кам таъминланган ва серфарзанд оилаларга жами 1 млрд. 966 млн. сўмлик қорамоллар бепул олиб берилди. Бу юзлаб хонадонларга баракка кирди, дегандир. Қувонарлиси, оилаларнинг қорамол парварлиши билан машғул аъзоларига меҳнат дафтарчалари очилди.


Вилоятда ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишчи ходимлар бириктириб қўйилган бўлиб, уларнинг соғлиги, аҳоли доимий назорат остида. Кўрсатилаётган рағбатларнинг эса четгарси йўқ. Фақат яққа-ёлғиз яшовчиларга йил бошидан буюн 181 млн. 515 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Шунингдек, 1480 нафари даволанганлиги, яна 114 нафарининг уй-жойлари таъмирлаб берилгани, «Саховат» ва «Муруват» уйларида кенг ҳажми қайта таъмирлаш ишлари бажарилиб жихозланганилиги, қўллаб-қўрғонлар махсус аравачалар, эшитиш мосламаси ва бошқа зарур воситалар билан таъминлангани бунинг тасдиғидир. Бу ишлар замирида кучли ижтимоий сиёсат натижаси муҳжасам. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, бизда ҳамма нарсаси инсон учун, унинг келажак учундир!

Ф. ФАЗЛИЕВ,  
Самарқанд вилояти ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи.

Спорт • Sport • Спорт • Sport

БОКСЧИЛАРИМИЗ — БИРИНЧИ

Жорий йилнинг 14-21 октябрь кунлари Ҳиндистонда ўтказилган тўртинчи халқаро умумармия ҳарбий спорт уйинларида мамлакатимиз вакиллари беш олтин, икки кумуш ва етти та бронза медалини қўлга киритишди. Тошкент халқаро аэропортида улар тантанали кутиб олинди.



Мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 102 мамлакатидан беш миңдан зиёд ҳарбий футбол, енгил атлетика, кураш, дзюдо, бокс каби ўндан ортиқ спорт тури бўйича ўзаро куч сынашди.

Унда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳарбий спортчиларимиз умумжамо

ҳисобида еттинчи ўринни қўлга киритишди. Бунда олтин медал соҳиблари — боксчиларимиз, ҳарбий хизматчилар Абдуғаффор Умаров, Равшан Худойназаров, Элёрбек Гуломов, шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбий Баҳодир Мамажонов ҳамда дзюдочини Уткир Қурбоннинг айниқса, ҳиссаси катта бўлди. Боксчиларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

— Мусобақага жуда кучли спортчилар йирилди, — дейди олтин медал соҳиблари Равшан Худойназаров. — Мен 69 килограмм вазн тоифасида рингга чиқиб, финалда озарбойжонлик рақибим устидан ғалаба қозондим. Жуда хурсандман. Бундан кейин ҳам юртим шарафини муносиб ҳимоя қилишга, Ватанимиз байроғини билад қўтаришга ҳаракат қиламан.

Х. САЛИМОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ.

Дунё полвонлари  
Мўғлистонда  
беллашади

27-28 октябрь кунлари Мўғлистонда миллий қадриятимиз — кураш бўйича VI жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Унда Бразилия, Франция, Греция, Польша, Украина, Буюк Британия, Туркия, ЖАР, Эрон, Афғонистон, Корея каби дунёнинг 50 га яқин давлатидан келган полвонлар голиблик учун гиламга чиқадилар. Чемпионат доирасида ЮАнинг навбатдаги конгресси ҳам ўтказилади. Тадбирда бир қатор янги давлатлар кураш оиласига расман қабул қилинади.

Кеча Бразилия, Франция, Греция, Польша, Украина, Буюк Британия, Туркия, ЖАР, Эрон, Афғонистон, Корея каби дунёнинг 50 га яқин давлатидан келган полвонлар голиблик учун гиламга чиқадилар. Чемпионат доирасида ЮАнинг навбатдаги конгресси ҳам ўтказилади. Тадбирда бир қатор янги давлатлар кураш оиласига расман қабул қилинади.

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Олимпик Анбаров хотирасига бағишлаб, «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари соврини учун оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилаётган мини-футбол турнири, кутилганидек, муросасиз курашларга бой бўлмоқда.



ЧОРАК ФИНАЛ САРИ  
ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Кеча ўтказилган иккинчи тур ўйинларида «Ўзбекистон овози» — «Хордик» учрашуви голларга бойлиги билан ажралиб турди. Унда «Ўзбекистон овози» жамоаси 8:2 ҳисобида зафар қўчди. «Маърифат» газетаси хаваскор футболчилари «Машъал-Садо»ни 4:1 ҳисобида енгиб, чорак финал масаласини даярли хал қилиб қўйди. «Халқ сўзи» жамоаси «Хуққ» вакиллари 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, гуруҳда биринчи ўринга чиқиб олди. Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якунланди: МТРК — «Хонадон» 6:4, «Наврўз» FM — «XXI аср» 3:1, «Ўзбекистон футбол» — «Спорт ТВ 3:1», «Жамият» — «Туркистон» 4:2, «Тошкент ҳақиқати» — «Ватанпарвар» 7:6.

— Уч йилдан буюн анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур хотира турнирида мунтазам қатнашиб келаямиз, — дейди «Маърифат» газетаси муҳбири Саиджон Махсумов. — Шу ўринда ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман. Матбуот, телевидение, радиода фаолият юритаётган журналистлар мусобақа баҳона бир-бири билан яқин мулоқотда бўлиб тажриба алмашмоқдалар. Қолаверса, голибларга олтин, кумуш ва бронза медалларининг таъсис этилгани ҳам турнир нуфузи ошишига хизмат қилмоқда.



Зиёдулла  
ЖОНИБЕКОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Российский  
линолеум  
Обои  
виниловые  
Форма оплаты — любая  
Товар сертифицирован  
тел. 134-48-11  
факс 134-49-58

«KAPITAL SALUS» мастудияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2007 йил 18 октябрдаги 2-сонли қарорига асосан корхонанинг фирма номи «ORDER'S SHIELD» деб ўзгартирилаётганини эълон қилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!  
«НОВОЙ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ»  
қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:  
Новоий шаҳридаги «Эндокринология диспансери биносини капитал таъмирлаш»  
Қурилишни якунлаш муддати — 1,5 ой.  
Буюртмачи — «Новоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси».  
Манзил: 106800, Новоий шаҳри, Толстой кўчаси, 18-уй.  
Телефон: (8-436) 770-21-48.  
Қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.  
Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмет кийиматининг камида 20 фоизи миқдоридати бўш айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектда ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).  
Танлов савдоларида талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.  
Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —  
Новоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Новоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (436) 225-53-85.  
Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати: қурилиш учун — 60 миңг сўм.  
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Азиз юртимиз фуқаролари ва меҳмонлари!  
«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг «ЎЗТЕМИРЙЎЛЛОВЧИ» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ САЙЁХЛИК АГЕНТЛИГИ  
«Буюк Ипак йўли»нинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари бўйлаб юқори қулайликларга эга бўлган «SHARQ» ва «REGISTON» тезорат поездларида гуруҳлар учун сайёхлик йўналишларини тақлиф этади.  
Ўз ходимларини қизиқарли ва мароқли саяхатга юбориш истағида бўлган ташкилот раҳбарлари учун агентлигимиз «Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Тошкент» йўналиши бўйича сайёхлик поезди ташкил этиши мумкин.  
Мурожаат учун телефонлар: 299-71-66, 136-46-18, факс: 299-71-83.  
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Drive your way  
Тел.: 250-11-11, 250-69-99, Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Маҳсулот сертифициланган.  
HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ  
«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ  
Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозавоидида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади.  
ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР  
ЙЎЛЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР  
Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажми УАЗ-3909, 4x4 МРВ: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомобилнаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.  
Харидорлар диққатига! Автомобилларни лизингга, кредитга олиш бўйича акциядорлик тижорат «Халқорбанк»нинг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин!  
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.  
Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ўза жамоаси маъсул ходим Тошйиб Амоновага акаси Боймурод АМОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.  
«Саноатконтехзорат» Давлат инспекцияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг етакчи мутахассиси Алишер Ибрагимович ХАМРАБОВЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.  
Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот давлат институти жамоаси бош илмий ходим, академик Журакул Сатторовга отаси БОБОМУРОД буваннинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.  
Тошкент юридик коллежи жамоаси маъмурий-ҳуқуқий фаолият йўналиши бўлими мудири Рузали Отабеова онаси ТАМАРАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи  
Народное слово  
Бош муҳаррир Уткир РАҲМАТОВ  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 23333 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2  
ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшад Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
Тижорат материал  
• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзлиева. Навбатчи — С. Хайдаров. Мусоҳаҳ — М. Ёқубова.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 22.15 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 6